RESPUBLIKASI MILLIY FIZIQA PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 18-dekabr • Payshanba • 148 (27.953) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

2008 йилда Меҳрибонлик уйлари битирувчиларини оилавий турар-жой билан таъминлаш тизими яратилиб, улардан 90 нафарига янги квартиралар берилгани хайрли ишларимиздан бири бўлди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ЮКСАК САЛОҲИЯТИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ, ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Аввал хабар қилинганидек, шу йил 16 декабрь куни Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Қуйида ана шу нутқнинг баёни эълон қилинмоқда.

Юртбошимиз аввало, Тошкент вилоятининг улкан салоҳияти, ер ости ва ер усти бойликлари, унумдор тупроғи, бутун дунёга машҳур ишлаб чиқариш корхоналари, инфратузилма ва коммуникациялари, бетакрор иқлими ва табиати ҳақида тўхталиб, воҳанинг кўпни кўрган, қийинчиликларда тобланган, меҳнаткаш ва мард халқига ўз ҳурматини билдирди.

Истиқлол йилларида ана шу салоҳиятни янада юксалтириш, вилоятнинг барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, йирик ижтимоий дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш бўйича кўп иш қилинмоқда. Биргина 2008 йилнинг 9 ойи давомида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 5,2 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 9 фоиз, хизматларнинг умумий ҳажми эса 30 фоизга ўсгани шу йўлдаги ҳаракатлар изчил давом этаётганини кўрсатади.

2007 йил ва жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда барча манбалар ҳисобидан 987 миллиард сўмдан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилди. Бу маблағнинг 110 миллиард сўмдан зиёдини хорижий инвестиция ва кредитлар, жумладан, 83 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этди.

Вилоятда саноат соҳасини модернизация қилиш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги икки йил давомида Олмалиқ шаҳридаги «Аммофос» заводида минерал ўғитлар, Бекободдаги Ўзбекистон металлургия комбинатида катанка ва электрод ишлаб чиқарадиган янги қувватлар ишга туширилгани, Ўртачирчиқ туманида полиэтилен плёнкаси тайёрлайдиган корхона фаолияти йўлга қўйилгани ва бошқа мисоллар шундан далолат беради.

Вилоятда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан рақобатдош тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида кейинги пайтда 9,7 миллион доллар қийматидаги 20 дан ортиқ минитехнология олиб келиб ўрнатилгани ва ишга туширилгани ҳам алоҳида диққатга сазовордир.

Ўтган давр мобайнида вилоятда шаҳар-қишлоқларнинг қиёфаси тобора ўзгариб бормоқда, айниқса, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият соҳаларини ривожлантириш, аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш ва юксалтиришга қаратилган йирик лойиҳалар изчил амалга оширилмоқда.

Президентимиз вилоят аҳлининг меҳнати билан эришилаётган ана шундай ижобий натижаларни эътироф этган ҳолда, йиғилиш иштирокчилари эътиборини вилоят олдида турган, аммо айрим сабабларга кўра бажарилмасдан қолган ишлар, ечилмаган муаммоларга қаратди. Чунки бугунги кескин рақобат шароитида ўсиш суръатларини йўқотмаслик, халқимизнинг тобора ортиб бораётган эҳтиёжларини қондириш биздан, аввало, ўз зиммамиздаги вазифани қандай бажараётганимиз, қилаётган ишларимизга танқидий баҳо беришни, йўл қўйилган хато ва нуқсонларни, ҳал этишга қурбимиз етмаган масалаларни ўз номи билан айтиш ва тўғри хулоса чиқаришни талаб этади, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Шу кўз билан қараганда, Тошкент вилоятининг иқтисодий ўсиш суръатлари бугунги кунда қониқарли эмас. Сессияда бу ҳақда атрофлича фикр юритилиб, мавжуд камчилик ва нуқсонлар, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб ўтилди.

Аввало, вилоятда жойлашган республика аҳамиятига молик корхоналарни истисно қилганда, аксарият туманларда саноат соҳаси ривожида жиддий оқсоқлик кўзга ташланмоқда. Масалан, Оҳангарон, Паркент, Пскент, Бўка, Бекобод ва Оққўрғон туманларида ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 0,4-0,7 фоиз даражасида қолиб келмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятдаги саноат корхоналарининг 18 таси, жумладан, Чирчиқдаги «Бурсел Тошкент текстил», Ангрендаги «Саноат-қалинқоғозсавдо» корхонаси, «Оҳангарон шифер» акциядорлик жамияти маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 192 миллиард сўмга пасайтириб юборган.

Вилоятда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича муайян ишлар бажарилган бўлса-да, Оққўрғон, Бекобод ва Бўка туманларида ўтган даврда бундай инвестициялар умуман жалб қилинмаган. Ана шундай камчиликлар туфайли вилоятда шу йилнинг 9 ойи давомида экспорт ҳажми 4,7 фоизга пасайган, маҳаллий тасарруфдаги корхоналарнинг экспортдаги улуши эса атиги 3,4 фоизни ташкил этмоқда.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ва касаначиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларни ҳам қониқарли, деб бўлмайди. Буни Маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми республика миқёсида 15,8 фоизни ташкил этгани ҳолда, Тошкент вилоятида атиги 0,22 фоиздан иборат бўлиб қолаётгани яққол кўрсатиб турибди. Аҳвол шундай бўлишига қарамасдан, жорий йилда 5 та лойиҳа бўйича умуман иш бошланмаган, 8 та лойиҳа бўйича эса белгиланган ишлаб чиқариш режаси бажарилмаган. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят бўйича жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг умумий ҳажмида йирик корхоналардаги касаначилик ҳисобидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг улуши ярим фоизни (0,2 фоиз) ҳам ташкил этмаган.

Президентимиз яна бир муҳим масала — ижтимоий соҳа объектларини ўз вақтида фойдаланишга топшириш борасида оқсоқлик ҳолатлари кўзга ташланаётгани ҳақида тўхталиб, ҳисобот даврида Тошкент тумани Кўктерак қишлоғидаги касб-ҳунар коллежи, Олмалиқ шаҳри, Бўстонлиқ, Бўка, Паркент ва Пскент туманларидаги бир қатор таълим муассасаларида қурилиш, таъмирлаш ишлари юқори ташкилотларнинг аралашувидан кейингина якунига етказилганини айтиб ўтди.

(Давоми 2-бетда)

ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИ БОШЛАНДИ

Бугун Мустақиллик майдонида бўлган киши ўзини Янги йилнинг эртаклар шаҳарчасига келиб қолгандек ҳис этади. Ғаройиб уйчалар, ҳалинчак учаётган Қорқиз, совға улашаётган Қорбобо, рақсга тушаётган Айиқ полвон, Қуённи пойлаган Бўривойнинг саргузаштлари... Ранг-баранг чироқлар билан безатилган улкан арча атрофида болаларнинг шўх-шодон кулгилари, куй-қўшиқ, театрлашган томошалар авжида.

Янги йил кириб келмоқда. Уни каттаю кичик, айниқса, болалар интиқлик билан кутади. Мустақиллик майдонида бунёд этилган «Эртаклар шаҳарчаси»да кичкинтойлар учун Янги йил байрами томошалари бошланди. Турфа ўйинчоқлар, совғалар, китоблар, ўқув қуролларининг кўргазма-ярмаркаси ишлаб турибди.

2009 йилнинг 10 январига қадар давом этадиган театрлаштирилган шодиёналар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва бир қатор ижодий жамоалар томонидан ташкил этилди.

«Эртаклар шаҳарчаси»дан жой олган улкан арча атрофида болаларнинг шодон ўйинлари авжида. Бу ерга таклиф этилган мактабгача таълим масканлари ҳамда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг қувончи чексиз. Болалар адабиётлари, ўқув қуроллари, турли совғаларнинг кўргазма-ярмаркаси ишлаб турибди.

— Янги йил байрамига барча театр жамоалари алоҳида тайёргарлик кўрган, — дейди «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Омонулла Ризаев. — Ҳар куни театрлаштирилган дастурлар намойиш этилади. Шу билан бирга, эстрада, цирк, хореография усталари, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари, турли кўрик-танловлар, фестивалларнинг ғолиблари, ёш ижрочилар иштирокидаги концертлар, мусиқий томошалар болалар эътиборига ҳавола этилади. Айни пайтда ўқувчилар учун турли қизиқарли викториналар, интеллектуал беллашувлар ўтказилиши ҳам кўзда тутилган.

— Янги йил болаларнинг энг севимли байрами, — дейди пойтахтимиздаги 31-Меҳрибонлик уйи директори Дилафрўз Жуманова. — Ушбу қувончли байрамга юксак савияда тайёргарлик кўрилгани юртимизда ёш авлод камолоти йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин далилидир. Ёшлар йилида бизнинг таълим масканимиз капитал таъмирланди. Моддий-техника базаси янада мустаҳкамланди.

— Мустақиллик майдонини юртимиздаги ҳамма болалар жуда яхши кўради, — дейди Тошкент шаҳридаги 58-мактаб ўқувчиси Азиз Муқимов. — Катта арча, Қорбобо ва Қорқиз, ранг-баранг безаклар билан майдон янада чиройли бўлиб кетибди. Синфдошларим билан янги йилга аталган концертлар, томошаларни кўрдик. Улар жуда завқли ва қизиқарли.

Байрам сайли тарзида ўтказиладиган Янги йил шодиёналари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, маданият ва истироҳат боғларида, маданият саройларида, майдон ва хиёбонларда ташкил этилмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.
Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА)
олган суратлар

✓ **ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан**

ҚИШ МАВСУМИДА

аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масаласи вилоят Кенгаши сессиясида муҳокама этилди

Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳи Президентимизнинг 2008 йил 28 майдаги **«Республика иқтисодиёт тармоқларининг 2008-2009 йиллар кузқиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори қандай бажарилаётганлигини ўрганиб, бу масалани ўз йиғилишида муҳокама қилган эди. Ушанда айрим ташкилот раҳбарлари масалага беписандлик билан қараган, ҳатто ушбу йиғилишда кўтарилган масала ўта долзарблигини ҳам англаб етишмаган эди. Депутатлик гуруҳи аъзолари ушбу масалани халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши сессияси кун тартибига киритиш ва уни давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органи даражасида муҳокама этишга қарор қилишди.

2008 йил 13 декабрь куни бўлиб ўтган халқ депутутлари Хоразм вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясида ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан мазкур масала муҳокама этилди. Уни кўриб чиқиш жараёнида вилоят Кенгашининг кўпчилик депутатлари фаол қатнашди. Улар Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳи томонидан жуда муҳим, долзарб ва барча учун бирдек аҳамиятга эга бўлган масалани атрофлича ўрганиб чиқдилар. Қизғин муҳокамалар якуни бўйича сессия қабул қилган ҳужжатда мазкур қарор ижроси юзасидан бажарилган ишлар «Шимолгазтаъминот» унитар корхонаси вилоят бошқармаси (Б.Матназаров), «Электр тармоқлари» акциядорлик жамияти (Р.Ботиров), «Хоразм иссиқлик манбаи» акциядорлик жамияти (Ш.Азизов) ва вилоят уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси (П.Қутлиев) фаолияти мисолида таҳлил қилиниб қониқарсиз аҳволда эканлиги қайд қилинди. Ушбу ҳолатни яхшилаш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

2-бет

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЯРМАРКАСИ

Андижон шаҳрида Янги йил байрами олдидан анъанавий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этилди.

Унда «Матлуботсавдо», «Гўштсутсавдо» акциядорлик жамиятлари, «Водий олтин куз» масъулияти чекланган жамияти, вилоят бозорлар уюшмаси томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари арзон нархларда сотилмоқда. Расталардан ўрин олган хилмахил қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари аҳолига манзур бўлаётир.

Бу эса дастурхонимиз тўкинлиги ва элюртимиз фаровонлигига хизмат қилади.

(Ўз мухбиримиз)

ЎЙИНГОҲ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

Кейинги йилларда транспорт воситаларининг кўпаяётгани Наманган шаҳри кўчаларини кенгайтиришни тақозо этмоқда. Шу боис мутахассислар шаҳар марказидаги «Спартак» ўйингоҳини собиқ кимё заводининг фойдаланилмаётган ҳудудига кўчириш режасини ишлаб чиқдилар.

Янги қуриладиган ўйингоҳ 1,2 гектар майдонга жойлашади ва бир вақтнинг ўзида 3,5 минг томошабин ўрнига эга бўлади.

Янги спорт мажмуасида дастлабки қурилиш ишлари бошланди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

ТИББИЁТ УСКУНАЛАРИ КЕЛТИРИЛДИ

Қўшкўпир тумани «Ўзбекёп» қишлоқ врачлик пунктига Германиядан 20 миллион сўмлик тиббиёт асбоб-ускуналари келтирилди. Ушбу ҳомийлик ташаббускори Германия стоматологлар жамияти аъзоси Мения Хусснер хоним бўлди. Яқинда қишлоқ врачлик пункти қайтадан тўла таъмирланди.

(Ўз мухбиримиз)

ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТ БАРҚАРОРЛАШМОҚДА

Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлигида ташкил этилган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси томонидан мазкур ҳудудда экологик муҳитни барқарорлаштириш, наботот ва ҳайвонот оламини сақлаб қолишга кўмаклашиш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Амударёнинг денгизга қуйиладиган қисмида тўсиқлар ўрнатилиб, сунъий кўллар ҳосил қилиш, уларда балиқчиликни ривожлантириш, қушлар учун табиий шарт-шароитни мўътадиллаштириш, денгизнинг қуриган тубидан тузли чанг кўтарилмаслиги учун саксовулзорлар барпо этишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни барқарорлаштириш ва биохилма-хилликни таъминлашга қаратилган бундай тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, Мўйноқ туманида умумий майдони 20 квадрат километр бўлган сунъий кўл яратилди. Унинг атрофида тўғон барпо этилиб, сув сатҳини бир маромда сақлаб туриш учун иккита замонавий гидроиншоот бунёд этилди.

— Ўтган давр мобайнида 30,6 километр масофага тўғон ўрнатдик, — дейди «Оролсувқурилиш» компанияси директори ўринбосари Муратбой Сапаров. — Бу ишларда қудратли замонавий техникалар кучидан унумли фойдаландик. Тўрткўл, Элликқалъа, Кегейли, Чимбой туманларидаги қурилиш ташкилотлари ҳам бу ишга муносиб ҳисса қўшди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири

БУГУНГИ СОНДА:

• «ЭЪТИҚОД» МАҲСУЛОТЛАРИ 2

• АҚШ: Обама инаугурацияга поездда боради 3

• «ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ДАРСЛИГИ ВА ЎҚУВ АДАБИЁТИ МУАЛЛИФИ — 2008» *республика кўрик-танлови ғолиблари аниқланди* 4

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ЮКСАК САЛОҲИЯТИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ, ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Бундан ташқари, қурилиш билан боғлиқ тендер савдоларини тайёрлаш ва ўтказиш жараёни вилоят раҳбарияти томонидан назоратга олинмасдан, ўз ҳолига ташлаб қўйилганига ҳам мажлисда эътибор қаратилди. Ана шундай ўзибўларчилик кайфиятидан айрим нопок кимсалар фойдаланиб қолишга уринган. Хусусан, вилоят Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниясининг собиқ раҳбари А.Рашидов тендер ғолиблигини фақат ўзи манфаатдор бўлган пудрат ташкилотларига бериб келган. Шу борада вилоят «Иссиқлик манбаи» корхонаси раҳбари О.Саидов ва «Ҳаракат-замон» хусусий фирмаси бошлиғи Х.Курганбаев ўзаро жиноий тил бириктириб, ижтимоий объектларни капитал таъмирлаш учун ажратилган бюджет маблағларини ўзлаштириб, давлатга 254 миллион сўмлик зарар етказган. Бундай қонунга хилоф ишлар юзасидан республика ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан айбдорлар жавобгарликка тортилгани ҳақида йиғилишда маълум қилинди.

Ҳозирги вақтда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Афсуски, вилоятда бу борадаги аҳвол ҳам талаб даражасида эмас. Жорий йилнинг биринчи ярмида 7 та туман ва шаҳарда тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари ижроси ўрганилганда, 2 минг 500 дан ортиқ қонунбузарлик ҳолати аниқланган. Тижорат соҳасини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга барча имконият ва имтиёзларни яратиб бериш ўрнига вилоятда бунга тескари бўлган ишлар кузатилмоқда. Шунинг натижасида бошқа вилоятларга нисбатан катта устунлиги бўлган Тошкент вилоятида ҳали-бери кўпгина туманлар молиявий дотацияда қолиб келмоқда.

Вилоят иқтисодиётининг муҳим тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигидаги, аниқса, пахтачиликдаги аҳвол ҳаммамизни, аввало, умид билан далада меҳнат қилаётган заҳматкаш деҳқонларимизни қониқтирмайди, деди Юртбошимиз.

Бу йил ишни ташкил этишдаги жиддий камчиликлар, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилмагани, жумладан, йиғим-терим мавсумида сафарбарлик ва уюшқоқлик етишмагани туфайли пахта тайёрлаш бўйича белгиланган режа 87 фоизда қолиб кетди, ҳосилдорлик эса 25,5 ўрнига 22,3 центнерни ташкил этди, холос.

Вилоят қишлоқ хўжалигидаги яна бир етакчи тармоқ — ғаллачиликдаги аҳвол ҳам Президентимиз томонидан кенг таҳлил қилинди. Бу соҳа ривожи йўлида тўсиқ бўлаётган муаммоларнинг туб илдизлари кўрсатиб берилди. Соҳада авваламбор, ишни замонавий усулда ташкил қилиш, илғор агротехнологияларни жорий этиш, серҳосил навларни танлаб экиш ва шу асосда ғаллачиликнинг самарасини ошириш масалаларига эътибор қаратилди. Кейинги уч йил давомида ғалла ҳосилдорлиги республика бўйича ўртача 41 центнерни ташкил этгани ҳолда, вилоятда бу кўрсаткич 38 центнердан ошмаяпти.

Давлатимиз раҳбари бу ҳақда атрофлича тўхталиб, биринчи навбатда ерга муносабат, бугун замон талаб қиладиган мулкчилик соҳасида ислоҳотларни ўз вақтида ва оқилона амалга ошириш, одамларда мулкдорлик ҳиссиётини тарбиялаш, ерни ҳақиқий эгасига топшириш, айниқса, фермерлик ҳаракатини чуқур ўйланган ва асосланган дастур бўйича ташкил қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлади. Аммо Тошкент вилоятида фермерларга керакли имтиёз ва шароитларни яратиб бериш масаласида оқсоқлик ва шошма-шошарлик ҳолатларига, айрим туманларда ҳатто қонунга хилоф ишларга йўл қўйилаётгани танқид қилинди.

Шу муносабат билан Президентимиз бугунги фермер қандай фазилат ва хусусиятларга эга бўлиши зарурлигига алоҳида урғу бериб, фермерлар аввало ернинг, деҳқончиликнинг сир-асрорини пухта билиши керак, деди. Шундай хусусиятга эга бўлмаган тасодифий кишилар фермер бўлишга ҳаққи борми, деб масалани қатъий қўйиш пайти келди. Чунки табиатан деҳқончилик илмидан узоқ бўлган, билими ва тажрибаси етмайдиган одам ўзини ҳам, бошқаларни ҳам қийнайди.

Бугунги ҳақиқий фермерни универсал деҳқон, деб атасак, арзийди, албатта. Яъни, ҳақиқий фермер нафақат қишлоқ хўжалигини, деҳқончиликни, керак бўлса, ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий масалаларни, энг муҳими, тупроқ сирини биладиган, замонавий техника билан муомала қила оладиган, ер билан тиллашишга тайёр инсон бўлиши даркор. Фақат шундай инсонларга беқиёс бойлигимиз бўлмиш ерни ишониб топшириш мумкин. Лекин, афсуски, Тошкент вилоятида бу масалага панжа орасидан қаралиб, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ерни талон-торож қилишдек салбий ҳолатларга йўл қўйилмоқда, деди Ислом Каримов.

Масалан, Янгийўл туманида қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинган 21 гектар унумдор ер қонунга зид равишда уй-жой қуриш учун ажратиб берилган. Ушбу ҳолатни яшириш мақсадида бу жой янгитдан ташкил этилган фермер хўжаликлари номига шунчаки расмийлаштириб қўйилган. Вилоят раҳбарлари эса бу масалада гўёки бехабардек, томошабин бўлиб турган. Фақат юқори идоралар аралашганидан сўнг ана шу қонунбузарлик аниқланиб, туманнинг собиқ ҳокими Қ.Пайзиев вазифасидан четлатилган ва жиноий жавобгарликка тортилган.

Қибрай тумани ҳокими Ш.Икромов ҳам амалдаги қонунчиликни кўпол равишда бузиб, 1,2 гектар кўп йиллик боғни уй-жой қуриш учун бериб юборган. Шунингдек, мазкур туманда ўтказилган текширишларда 6 та агрофирма ҳудудида 13 гектар боғ ўзбошимчалик билан бузиб ташланиб, бошқа мақсадларда фойдаланилаётгани аниқланган. Ҳозирги вақтда бундай бемаъни ишларга чек қўйиш бўйича тегишли идоралар томонидан чоралар кўрилмоқда.

Тошкент тумани ҳокими С.Темиров қонунга хилоф тарзда Сабзавотчилик ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтига тегишли 10 гектар суғориладиган экин майдонини уй-жой қуриш учун бериб юборган, шу туманнинг Кўксарой қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 1,2 гектар суғориладиган ер майдони ҳам уй-жой қуриш мақсадида айрим шахслар томонидан ноқонуний равишда эгаллаб олинган, лекин туман раҳбари бу ерни давлатга қайтариш борасида ҳеч қандай чора кўрмаган.

Оҳангарон тумани собиқ ҳокими О.Ибрагимов томонидан эса қум-шағал карьери ва завод қурилиши учун 10 гектар ер майдони юқори идоралар билан келишилмасдан, ўзбошимчалик билан «Авиасаноат индустрия» хорижий корхонасига ажратиб берилган. Шу тумандаги «Олмалиқ» ёрдамчи хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича комиссия раиси Б.Ачилов 16 гектар ер ажратиб бериш эвазига фуқаро А.Бадаловдан 900 АҚШ доллари миқдорида пора олаётганида ушланган.

Умуман, вилоятда ер билан боғлиқ қонунчиликнинг бузилиш ҳолатлари юзасидан прокуратура органлари томонидан 2007 йилда 24 та, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида эса 40 та жиноят иши қўзғатилган ва айбдорлар суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилган.

Маълумки, юртимизда фермер хўжаликларининг ерларини тартибга келтириш, уларни оптималлаштириш масаласида Президентимиз томонидан махсус фармойиш қабул қилиниб, унда белгилаб берилган чора-тадбирларни бажариш юзасидан ҳозирги кунда бутун мамлакатимизда амалий ишлар олиб борилмоқда.

Сессияда шу борадаги вазифалар яна бир бор таъкидланиб, ер майдони 15-20 гектаргача бўлган фермерларнинг йиллик фойдаси 5-6 миллион сўмдан ошмаётгани ва бу маблағ фақат жорий харажатларни қоплашга сарфланаётгани боис фермерда янги техника сотиб олиш, ернинг унумдорлигини ошириш, агротехник тадбирларни сифатли бажариш учун имконият етарли бўлмаслигига эътибор қаратилди. Шунинг учун пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг ўртача ер майдонини Тошкент вилоятида 60 гектардан 85 гектаргача етказиш бўйича иш олиб борилаётгани қайд этилди.

Шу муносабат билан Юртбошимиз бу ўта муҳим ва долзарб масалада ҳар томонлама ўйлаб, ҳар қайси минтақа ва ҳудуднинг шароитига қараб иш тутиш, энг муҳими, фермер хўжаликларининг оптимал ер майдонини аниқлашда фермер хўжалигини ташкил қилмоқчи бўлган шахснинг салоҳияти, тажрибаси ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда, иш тутиш, таъбир жоиз бўлса, етти ўлчаб бир кесиш зарур, шундагина бу ўзгаришлардан кутилган натижа ва самарага эришиш мумкин, деб таъкидлади.

Президентимиз сессия иштирокчилари эътиборини вилоятда пахтачилик бўйича оқсоқликка олиб келаётган яна бир масалага қаратди. У ҳам бўлса, маҳаллий шароитга мос келадиган, сифатли тола берадиган янги навларнинг яратилмаётгани билан боғлиқ. Бу ҳақда кўп бор айтилганига қарамасдан, мазкур масалада сезиларли ўзгаришлар кузатилмаяпти.

Ҳолбуки, Тошкент вилояти ҳудудида 9 та илмий-тадқиқот бирлашмаси, нуфузли институт ва марказлар жойлашган. Масалан, «Пахта» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ғўза селекцияси ва уруғчилиги бирлашмаси, Ўсимликларни ҳимоя қилиш институти, Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти, Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш институти ва бошқа йирик илмий муассасалар шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик мутахассисларини тайёрлайдиган энг йирик олий ўқув юрти — Тошкент аграр университети ҳам айнан шу ерда жойлашган. Мажлисда Тошкент вилояти раҳбарияти, мутасаддилари ва фаоллари ана шу илмий даргоҳларда хизмат қилаётган олимлар билан ўзаро ҳамкорликни самарали ташкил қилиши зарурлиги қайд этилди. Бу масалани охиригача етказиш бўйича Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги раҳбарияти масъулиятни ўзига олиб ташаббускор бўлиши лозимлигига эътибор қаратилди.

Президент Ислом Каримов вилоятда ижтимоий соҳадаги мавжуд аҳвол таҳлилига ўтар экан, бугун амалга оширилаётган барча ислоҳот ва янгиликларнинг самараси аввало уларнинг одамлар ҳаётига қандай таъсир ўтказаётгани билан, вилоятда истиқомат қилаётган 2,5 миллиондан ортиқ аҳоли бу ўзгаришларни ўз дастурхонида, оиласида, турмуш тарзида қанчалик сезаётгани, эртанги кунга ишончи қай даражада мустаҳкам бўлиб бораётгани билан ўлчанади, деб таъкидлади.

Ўтган даврда маҳаллий ҳокимлар ва мутасадди ташкилотларнинг эътиборсизлиги ва совуққонлиги туфайли 1991 йилгача қурилган кўпқаватли уйларни капитал таъмирлаш режаси Чирчиқ, Янгийўл, Ангрен шаҳарлари, Бўка ва Оққўрғон туманларида бажарилмасдан қолган. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ташкил этиш ишлари ҳам талаб даражасида эмас. Ширкатларнинг моддий-техник базасини шакллантириш, уларга банк кредитлари ажратиш ишлари тўғри йўлга қўйилмаган. Оқибатда уларга юклатилган вазифалар тўлиқ ва сифатли бажарилмаяпти. Бу ҳолат Ангрен, Бекобод ва Олмалиқ шаҳарларида айниқса яққол кўзга ташланмоқда.

Бошқарув ва назорат ишларининг ўз ҳолига ташлаб қўйилгани натижасида вилоятдаги 12 та шаҳар ва туман марказлари учун аҳолига иссиқлик энергияси етказиб берадиган вилоят «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармаси банкротлик ҳолатига келиб қолган. Лекин вилоят раҳбарияти бу корхонани молиявий инқироздан чиқариш, соғломлаштириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўриш ўрнига, уни ўз қарори билан тугатиб юборган. Бу корхонанинг вазифаси эса шаҳар ва туманлардаги қозонхоналар зиммасига юклатиб қўйилган. Ишга шундай муносабат оқибатида 2008 йилнинг 1 ноябригача барча турдаги коммунал хизматлар учун тўлов муддати ўтказиб юборилган қарзлар тахминан 100 миллиард сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 45 миллиард сўмга ошиб кетган.

Мажлисда шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси Бош прокуратура билан бирга Тошкент вилояти шаҳар ва туманларида коммунал соҳа бўйича мавжуд аҳволни, қиш фаслида яшаётганимизни ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқиши ва хулоса чиқариши зарурлиги қайд этилди.

Сессияда Тошкент вилоятидаги энг ўткир муаммолардан бири бўлмиш аҳолини, аввало ёшларни иш билан таъминлашнинг аҳволи ҳам таҳлил этилди.

Ҳозирги вақтда вилоятда рўйхатга олинган ишсизлар сони 45 минг кишини, вақтинчалик ишларда банд бўлганларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 70 минг нафардан ортиқни ташкил этмоқда. Айниқса, Оҳангарон, Бекобод, Оққўрғон, Пскент, Ўртачирчиқ ва Янгийўл туманларида янги иш ўринлари яратиш, шунинг ҳисобидан аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи қониқарсиз бўлиб қолаётгани бўйича танқидий фикрлар билдирилиб, бундай ҳолатлар юзасидан амалий чоралар кўриш лозимлиги уқтириб ўтилди.

Шундан сўнг Президентимиз ўтган давр мобайнида Тошкент вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида йўл қўйилган камчилик ва хатолар, бугунги кундаги барча соҳаларда қониқарсиз аҳволнинг илдизлари ҳақида атрофлича тўхталиб, энг асосий сабаб аввало, ҳар қайси раҳбар, кўпгина фаолларнинг ўз вазифасига совуққонлик, масъулиятсизлик билан қарашида, ўз ишини ташкил қилишга қурби етмаслигида, уларнинг замон талабларига жавоб бера олмаслигида, бир сўз билан айтганда, уларнинг заифлигида кўринмоқда, деб афсус билан қайд этди.

Кейинги вақтда ўз ишида катта нуқсонларга йўл қўйгани учун Олмалиқ шаҳар ҳокими А.Зокиров, Паркент тумани ҳокими А.Азаматов, Ўртачирчиқ тумани ҳокими М.Тиллабоев, Юқоричирчиқ тумани ҳокими А.Ғаппаров эгаллаб турган лавозимидан озод этилган.

Вилоятда юзага келган аҳвол аввало, вилоят раҳбариятида, хусусан, биринчи раҳбарда талабчанлик ва қатъиятнинг етишмаслиги, унинг ишни тўғри ташкил қилишда заифлик қилгани билан боғлиқ. Айнан ана шундай камчиликлар аксарият ҳолларда бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган, ўта бўш шахсларни раҳбарликка тайинлашга сабаб бўлгани мажлисда кескин танқид қилинди. Жорий йилнинг 9 ойида вилоятдаги 107 нафар мансабдор шахс турли қонунбузарликларга йўл қўйгани учун жиноий жавобгарликка тортилган.

Юртбошимиз вилоятда истиқболли кадрлар захирасини шакллантириш масаласи қониқарсиз аҳволда эканини таъкидлаб, Тошкент вилояти ҳокимлигининг тавсиясига кўра, 1996-2008 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини 38 киши битиргани, улардан 17 нафари ўз жойига, 2 нафари ундан ҳам қуйи лавозимларга ишга тайинлангани, 2 нафари эса умуман иш билан таъминланмаганига эътиборни қаратди.

Давлатимиз раҳбари бундай камчиликлар ҳақидаги фикрларини умумлаштириб, юқорида зикр этилган муаммоларнинг очилмасдан қолаётгани кўп жиҳатдан вилоят раҳбарияти, биринчи навбатда 2006 йилдан буён Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажариб келаётган Зиявитдин Ниёзовнинг фаолияти талаб даражасида бўлмагани, очиғини айтадиган бўлсак, бу шахснинг раҳбарлик масаласида заиф экани билан боғлиқ, деб таъкидлади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. З.Ниёзов Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи лавозимидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига кўра, Куйичирчиқ тумани ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Рустам Холматов Тошкент вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Президентимиз мажлисга якун ясар экан, кириб келаётган янги — 2009 йил юртимизда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинишининг Тошкент вилояти учун алоҳида аҳамияти ва моҳияти борлиги ҳақида тўхталди. Нега деганда, Тошкент вилояти — Ўзбекистоннинг марказий вилояти, у ўзининг салоҳияти билан бошқаларга ўрнак бўлишни ўз зиммасига олишга қодир вилоятдир. Шунинг учун бугун сиз, азизларга, вилоятнинг барча фаоллари ва фидойиларига, кўпмиллатли воҳа аҳлига қарата айтмоқчиман: Тошкент вилояти ҳеч қачон орқада юришни ўзига маъқул топмаган ва Ватанимиз тараққиёти, эл-юртимиз фаровонлиги йўлида мана шундай дастурларни амалга оширишда ҳам ўзининг нималарга қодир эканини албатта намоён этади, деди пировардида Ислом Каримов.

(ЎзА)

ҚИШ МАВСУМИДА

аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масаласи вилоят Кенгаши сессиясида муҳокама этилди

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ш.Саъдуллаевга шаҳар ва туманлар ҳокимлари, тегишли ташкилотлар билан бирга таълим, соғлиқни сақлаш муассасаларида қиш мавсумини беталафот ўтказиш юзасидан мавжуд муаммоларни зудлик билан бартараф этиш вазифаси юклатилди. «Хоразм иссиқлик манбаи» акциядорлик жамиятига эса маҳаллий бюджет ҳисобидан қўшимча маблағ ажратиладиган бўлди. Шу билан бирга, шаҳар, туман ҳокимлари, масъул ташкилотлар зиммасига тезкор равишда аҳолига кўмир ва бошқа турдаги ёқилғи маҳсулотлари етказиб бериш вазифаси юклатилди.

Ҳудудлардаги кўп қаватли уй-жойларни узлуксиз иссиқлик билан таъминлашда ҳам муаммолар оз эмаслиги қайд қилиниб, бу борада ҳам тезкор тадбирлар белгиланди.

— Сайловчилар билан учрашувларимиз чоғида, уларни қабул қилганимизда айнан коммунал хизматлар сифати, қишки мавсумда иссиқлик, электр энергияси ва табиий газ узилишлари билан боғлиқ кўплаб саволлар тушади, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Зариббой Қўчқоров. — Ишимизни аввало депутатларимиз орасидан ишчи гуруҳи тузиб, партиямизнинг вилоят кенгаши билан биргаликда ушбу масалани чуқур ўрганиб, кенг муҳокамалардан сўнг сессия кун тартибига олиб чиқдик.

Давлатимиз раҳбарининг **«Республика иқтисодиёт тармоқларининг 2008-2009 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорини вилоят миқёсида ижро этилиши юзасидан Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳининг ўз позициясини қаттиқ туриб ҳимоя қилгани маҳаллий Кенгашлар депутатлари, депутатлик гуруҳларининг мақоми, ҳуқуқлари ва ваколатларини белгилаб берувчи қонунлар, хусусан Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан қабул қилинган Конституциявий қонуннинг амалиётга татбиқ қилинаётгани ҳамда ўз самарасини бераётганидан далолатдир. Аммо, айрим жойларда маҳаллий Кенгашлар депутатлари шунчаки сессияларда иштирок этиш билан чекланиши, фаолликнинг сезилмаслиги ҳам бор гап. Бу ҳақда Юртбошимиз куни кеча бўлиб ўтган халқ депутатлари Навоий ва Тошкент вилоятлари Кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида куюниб гапирди. Депутат ташаббуси, депутатлар гуруҳи фаоллиги амалда маҳаллий ҳокимликларга уларнинг ишини қийинлаштиришга эмас, аксинча, куннинг долзарб масалаларини ечиш, муаммоларни бартараф этишга ёрдам беради. Буни келтирилган биргина мисолда ўзимиз кўрдик ва гувоҳи бўлдик.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши «Ҳуқуқ, демократия ва миллий маънавият» мавзуида тадбир ўтказди. Вилоят партия кенгаши раиси Рашид Муртазоев мамлакатимиз Асосий Қонунида белгиланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда фаровон ҳаёт кечириши учун амалга оширилаётган ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари хусусида сўз юритди. Олий Мажлис қуйи палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Анвар Шукуров Конституциямиз мазмун-моҳиятининг аҳамияти ва унинг асосида миллий қонунчилигимиз тобора такомиллашиб бораётгани ҳақида фикр юритди.

Тадбирда вилоят партия кенгаши аъзолари, фаоллари, маҳалла оқсоқоллари, ҳуқуқ соҳаси мутахассислари ва ёшлар вакиллари иштирок этди.

• • •

КЎРИК-ТАНЛОВ

Ҳамза туман партия кенгаши Қурилиш касб-ҳунар коллежи билан ҳамкорликда «Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва унинг кафолатлари — олий қадрият» мавзуига бағишланган давра суҳбати ташкил қилди. Шунингдек, «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг дастлабки босқичи ўтказилди. Тадбирда ЎзХДП фаоллари, жамоатчилик вакиллари, талабалар иштирок этди.

— Партиямиз сиёсий маданиятни юксалтириш борасида давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлайди, — дейди ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи Маргарита Аҳмедбекова. — Айниқса, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий онгини янада юксалтириш давр талаби. Бугун ташкил этилган кўрик-танлов иштирокчилари олган билимларини амалда қандай қўллаш кераклигини намоён этдилар.

— Коллежимизда ўқувчилар ва хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини мустаҳкамлаш борасида кўпгина ишлар амалга оширилаяпти, — дейди ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири Муяссар Маткаримова. — Ўқувчиларимиз Конституциямиз ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг муҳим тамойилларини қунт билан ўрганмоқда. Мақсадимиз — миллат таянчи бўлган ёшларни катта ҳаётга тайёрлаш, дунё ҳамжамиятини ўйлантираётган таҳдидлар ва муаммолардан оғоҳ қилишдир. Бунинг учун улар аввало қонунларни мукаммал билмоғи, шундан келиб чиқиб воқеа-ҳодисаларни баҳоламоғи, мухтасар айтганда, жамиятнинг фаол аъзоси бўлмоғи керак.

Гулгун СУЛТОНОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЭЪТИҚОД» МАҲСУЛОТЛАРИ

Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Эътиқод» хусусий мебель ишлаб чиқариш корхонаси тайёрлаётган маҳсулотлар ўз сифати ва пишиқ-пухталиги билан

харидорларга манзур бўлмоқда. Мустақиллик йиллари бошларида иш бошлаган корхона янги, замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланди. Бу ерда уй жиҳозлари: стол-стул, юмшоқ мебель, болалар ётоғи тўпламлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тайёрланаётган маҳсулотлар ҳажми ва тури йил сайин ошиб бормоқда. Биргина жорий йилнинг 9 ойи давомида бу ерда 483 миллион сўмлик халқ истеъмоли буюмлари тайёрланиб, маҳсулот ишлаб чиқаришда экспорт ҳажми 47 миллион сўмни ташкил этди.

— Корхонамизда меҳнат



қилаётган 96 нафар ишчи-хизматчиларнинг асосий қисми ёшлар, — дейди корхона раҳбари Абдуғани Қосимов. — Улар учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Келажакда офислар учун мебель тўпламлари тайёрлашни ҳам режалаштирмоқдамиз.

Умида МАНСУРОВА

Суратларда: *корхона фаолиятидан лавҳалар.*

Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар

Ўзбекистон халқ артисти ТУРҒУН АЛИМАТОВ

Ўзбекистон санъати ва маданияти оғир жудоликка учради. Атоқли санъаткор, миллий мусиқамизнинг улкан намояндаси Ўзбекистон халқ артисти Турғун Алиматов 86 ёшида вафот этди.

Турғун Алиматов 1922 йилнинг 20 январида Тошкент вилоятининг Келес қишлоғида туғилди. 1937-40 йилларда у Тошкент педагогика институтининг ишчи факультети қошидаги мусиқа тўгарагига қатнашиб, созандалик сирларини эгаллади.

У Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши жангларда қатнашди. Сўнгра Ёш томошабинлар театрида, Муқимий номидаги мусиқали драма театрида, кўп йилларда давомида Ўзбекистон радиоси ҳузуридаги Халқ чолғулари оркестрида созанда сифатида хизмат қилди.

Т.Алиматовнинг меҳнат фаолияти 1970 йилдан бошлаб Мақом ансамбли билан бевосита боғлиқ ҳолда кечди. Ушбу ижодий жамоа аъзоси сифатида у бебаҳо маънавий бойлигимиз бўлмиш Шашмақом туркумидаги, Фарғона-Тошкент йўлидаги ноёб мақом намуналарининг миллий мусиқа хазинамизнинг олтин фонди учун ёзиб олинишида алоҳида жонбозлик кўрсатди.

Созандалик борасида ўзининг бетакрор услубига эга бўлган Турғун Алиматов томонидан юксак маҳорат билан ижро этилган «Дутор навоси», «Тановар», «Чоргоҳ», «Муножот», «Наврўзи Ажам», «Бузрук», «Куйгай» каби мумтоз мусиқа намуналари халқимиз қалбидан чуқур жой эгаллади.

Атоқли санъаткор қарийб чорак аср давомида Ўзбекистон давлат консерваториясида талабаларга сабоқ бериб, ўнлаб истеъдодли шогирдлар тайёрлади.

Устоз санъаткор ўзбек мусиқа санъатини чет элларда кенг тарғиб этишга ҳам катта ҳисса қўшди.

Т.Алиматовнинг миллий мусиқа санъатимиз анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланиб, у «Ўзбекистон халқ артисти» юксак унвони ҳамда «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган эди.

Беназир созанда, санъатимиз фидоийси, камтарин инсон Турғун Алиматовнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, Х.СУЛТОНОВ, Р.ҚУРБОНОВ, А.ИСМОИЛОВ

НАВБАТДАГИ САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ

«Экосан» экология ва саломатлик халқаро ташкилоти Қорақалпоғистон Республикасига 2008 йил бошидан буён навбатдаги — олтинчи саломатлик поездини жўнатди. Ушбу тадбир «Ёшлар йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш доирасида ташкил этилди.

Поезд ҳудуд аҳолисига кийим-кечак, пойабзал, дори-дармон, ётоқхона анжомлари, болалар ўйинчоқларидан иборат умумий қиймати 90 миллион сўмликдан ортиқ мурувват юкини етказиб беради. Бундан ташқари, Оролбўйидаги таълим муассасаларига компьютерлар ва ўқув адабиётлари ҳам топширилади. Мазкур мурувват ёрдамини ташкил этишда яқинда ўтказилган «Биз — Оролбўйи болаларига» номли хайрия экофестивалидан тушган маблағдан ҳам фойдаланилди.

М.УХАНОВА, (ЎзА)

❖ Иқтисодиёт ва ислоҳот

IPOTEKA BANK

ЁШ ОИЛАЛАРГА ЯНГИ УЙ-ЖОЙЛАР

«Ипотека банк» АТИБ Ангрен шаҳар бўлими фаолияти ҳақида



Ўтган қисқа давр ичида банк жамоаси якка тартибда уй-жой қурилиши учун зарур бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга кредит бериш ишларини намунали йўлга қўйди. Бунда мижоз ҳоҳишига кўра тегишли ҳужжатлар тайёрлаш, муддатли кичик фоизли кредитлар бериш, бозор талаблари асосида қимматли қоғозлар амалиётини қўллаш, уй-жой қурилишига замонавий техник-муҳандислик лойиҳаларини таклиф этиш, иқтисодий ва самарали уй-жой экспертизалари ўтказиш каби янгиликлар жорий этилди.

Банкнинг биргина Тошкент вилояти Ангрен шаҳар филиалида амалга оширилаётган ишларга назар ташлайлик. Ангрен мамлакатимизнинг тез ривожланиб бораётган саноат шаҳарларидан бири. Бу ерда қўплаб йирик иншоотлар қатори янги қўшма корхоналар, кичик бизнес субъектлари ишга туширилди. Аҳолининг уй-жой шароитини янада яхшилашда «Ипотека банк» Ангрен шаҳар филиали ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Масалан, Бахтиёр Ҳатамов билан Наврўза Йўлдошевалар оиласи ўтган йили акциядорлик тижорат «Ипотека банк»нинг Ангрен шаҳар филиали раҳбарларига мурожаат қилишганди. Банкдагилар эса узоқ куттирмай бу оилага тегишли маблағ ажратиб беришди. Ҳозир бу оила шаҳарнинг 45-даҳасида уч хонали замонавий хонадонда истиқомат қилишмоқда. Бугунги кунда банк хизматидан Баҳром Алиев ва Дилфуза Қаюмова оиласи ҳам мамнун. Улар ҳам банк кредити эвазига уй-жойли бўлишди.

Ўтаётган йилни — Ёшлар йили, деб эълон қилиниши муносабати билан банк филиали ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаши учун уларга зарур ёрдам кўрсатиш, амалий рағбатлантириш, уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш мақсадида янада кенг имкониятлар яратиб бермоқда.

Умуман 2008 йил 1 ноябрь ҳолатига уй-жой қуриш ва сотиб олиш учун 12 та оилага 220,5 млн. сўмлик ипотека кредити ажратилди. Шундан 5 та ёш оилага 90 млн. сўм йиллик 5 фоизли имтиёзли кредит ва 11 та ёш оилага уй жиҳозлари сотиб олиш учун 21,5 млн. сўм истеъмол кредити берилди. Автотранспорт воситалари сотиб олиш учун 3 та мижозга 610,6 млн. сўм миқдорида лизинг ажратилди.

Банк жами кредит қўйилмаларининг асосий қисми кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошлаш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлашга сарфланди. Бугунги кунда кичик бизнес субъектларини Европа Тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликда микрокредитлаш йўлга қўйилди.

Ушбу кредитларнинг асосий қисми ишлаб чиқариш, савдо фаолияти ва хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш мақсадларига йўналтирилди. ЕТТБ дастури асосида кредитлашнинг афзал томони — расмийлаштириш ишларининг максимал даражада соддалаштирилганидир.

Кичик бизнес субъектларига ўтган 10 ой мобайнида жами 2 млрд. 170,1 млн. сўм кредит ажратилди. Шу жумладан, ишлаб чиқаришга 90,2 млн. савдо воситачилигига 1 млрд. 297,1 млн сўм, маиший хизмат кўрсатишга 21 млн. сўм, қишлоқ хўжалигига 27 млн. сўм, бошқа тармоқлар учун 725,1 млн. сўм кредит маблағлари ажратилди. Етти нафар мижозга айланма маблағларини тўлдириш учун 25 млн. сўм миқдорида микрокредит берилди.

«Ипотека банк» АТИБ Ангрен шаҳар филиали мижозлари сони ўсиб, бугунги кунда 1288 нафарга етди.

Президентимизнинг шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш тўғрисидаги қарорига асосан кам таъминланган оилаларга қорамол олиши учун иш билан таъминлаш жамғармаси ҳисобидан 5,2 млн. сўм, банкнинг ўз маблағи ҳисобидан 19 млн. сўм кредит берилди.

Филиалда аҳолининг эркин пул маблағларини банкка жалб қилиш ҳамда муддатли омонатларини кучайтириш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида шаҳарда коммунал ва бошқа тўловларни йиғиш учун 11 та жамғарма кассалари фаолияти йўлга қўйилган.

Мамлакатимиз раҳбарининг тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир Фармонида белгиланган вазифалар изчил ижро этилаётгани боис, эндиликда аҳолининг банкка бўлган ишончи янада ортиб, бўш пул маблағлари банк омонатларига жалб этилмоқда. Натижада банкдан ташқари нақд пул маблағлари айланмаси қисқараётир. Аҳолининг даромад олиш имкониятлари ортиб бормоқда.

Ҳозирги кунда банк тизимида 12 дан ортиқ қулай ва самарали омонат турлари мижозларга тақдим этилмоқда. «Шодиёна-2», «Зиёд», «Хазина», «Нур-2», «Юрт», «Ҳамкор», «Қадрият», «Мустақиллик», «Барқарор», «Коммунал омонат» каби омонат турлари шулар жумласидандир.

Филиал ўзининг нақд пулсиз ҳисобкитоблари билан ҳам мижозларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Филиал томонидан 19 минг 150 тадан ортиқ пластик карточкалар муомалага чиқарилган. Фуқароларга пластик карточкалардан фойдаланишда қулайлик яратиш учун шаҳарнинг коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотларига, уй-жой жиҳозлари, қурилиш моллари, озиқ-овқат дўконларига ва кўпгина хизмат кўрсатиш шохобчаларига 80 та савдо терминаллари ўрнатилди.

Филиалда Халқаро пул ўтказмалари: «Western Union», «Contakt», «Быстрая почта», «Близко», тизими кенг йўлга қўйилган бўлиб, бу хизмат турлари аҳоли эҳтиёжини қондириб келмоқда.

Ҳар қандай банк фақат мижоз манфаати учун ҳаракат қилади. «Ипотека банк» АТИБ Ангрен шаҳар бўлими ходимлари ҳам худди ана шу мезонга амал қилиб фаолият кўрсатмоқда.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.

❖ Ҳуқуқий ислоҳот

Фуқаро Саидумар Акбаров дастлабки тергов органи томонидан ўзгалар мол-мулкини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишда айбланган. У Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчасида жойлашган «Тошкент Дэу» масъулияти чекланган жамияти биноси олдида Жамолиддин Ўразалиевдан «Дамас» русумли автомашинани навбатсиз олиб беришни ваъда қилиб, 2500 АҚШ доллари ва 10.449.240 сўмни олиб, воқеа жойидан яширинган.

ХОЛИСЛИК ПРИНЦИПИ

судлар томонидан эҳтиёт чорасини қўллаш жараёнида яққол намоён бўлмоқда

С.Акбаровнинг жиноий хатти-ҳаракати ЖК 168-моддаси 3-қисми «а» банди билан квалификация қилинган. Унга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги прокурор илтимосномаси суд мажлисида тегишли тартибда кўриб чиқилди. Ушбу жараёнда етказилган моддий зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганлиги ҳақидаги жабрланувчининг тилхати судга тақдим қилинди. Суд эса ЖК 168-моддасининг 4-қисмида кўрсатилган «етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланмаслиги»га алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарорининг 9-бандида кўрсатилган «... ЖКнинг 167, 168, 170, 184-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят оқибатида етказилган моддий зарар ўрни қопланган тақдирда маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилиши» ҳақидаги талабларини инобатга олиб, прокурор илтимосномасини рад этишни лозим топди.

Дастлабки тергов жараёнида Тошкент шаҳар, Фарғона кўчаси, 18-уй, 4-хонадонда истиқомат қилувчи Дмитрий Хроменко турмуш ўртоғи С.Хроменко ва Э.Ким билан бирга қўшниси С.Кириловнинг вафотидан сўнг унинг хонадонига тегишли давлат ордерини қалбакилаштириб, уйни фуқаро Галина Кулоянцга 8.000 АҚШ долларга сотиб юборганликда айбланган. Унинг бу жиноий иши ЖКнинг 168-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан квалификация қилинган.

Аммо суд жараёнида адвокат томонидан айбланувчининг турмуш ўртоғи Светлана Хроменко ва Галина Кулоянц ўртасида тузилган жорий йилнинг 1 декабригача мўлжалланган 11.200.000 сўмлик қарз шартномаси тақдим этилди. Бундан ташқари, фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туман суди томонидан айнан шу уй олди-сотди шартномасини бекор қилиш масаласи юзасидан даво бўйича фуқаролик иши кўриб чиқилаётгани хусусида маълумотнома тақдим этилди.

Қамоққа олишга санкция бериш билан боғлиқ бундай ҳолатлар ҳақида яна мисоллар келтириш мумкин.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, янада либераллаштиришда ижобий ишлар амалга оширилди. Бу борада Президентимизнинг 2005 йил 8 августдаги **«Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»**ги Фармони муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унда белгилаб қўйилганидек, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб, жиноятни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судлар ваколатига ўтказилди.

Ҳулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, судлар томонидан қамоққа олишга санкция беришни амалга ошириш жараёнида очиқ-ошкоралик принципи таъминланади. Булардан ташқари, суд жараёнида гумонланувчи ёки айбланувчи ҳимоячиси билан иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади. Қарор устидан шикоят қилиш ва бунда албатта юқори суд инстанцияси томонидан қайта кўриб чиқиш имкони юзага келади. Охир-оқибат асоссиз қамоқда ушлаб туриш ҳолатларининг олди олинади.

Ҳамро БЕРДИҚЛИЧЕВ, жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман суди судьяси

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 232-21-22, 236-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Реклама

ТАРАҚҚИЁТ САРИ

WiMAX ва Wi-Fi — симсиз алоқа воситалари

БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси — *Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги* — *БМТТДнинг «АКТ сиёсати» лойиҳаси*

WiMAX — бу, юқори тезликда ишловчи симсиз интернет бўлиб, унинг тўлиқ номи — Worldwide Interoperability for Microwave Access, яъни «Микротўлқинли кириш учун халқаро ҳамжиҳатлик»дир. Сиз қаердалигингиздан — меҳмонхонада, қаҳвахонада, вокзалда ёки йўлда бўлишингиздан қатъи назар, ноутбукни очиб, WiMAX ёрдамида интернетда ишлашингиз мумкин.

WiMAX маълумотларни шаҳар шароитида радиоканал орқали (мобил алоқа сингари) жўнатиш имконини беради. Бунда радиотўлқинлар йўлига бинолар ҳам, дарахтлар ҳам, об-ҳаво шароити ҳам тўсқинлик қилолмайди. WiMAX жўнатгичлари провайдерлар томонидан шаҳарнинг турли жойларида ўрнатилади ва улар бутун қамров зонаси доирасида компьютер ёки WiMAX хизматидан фойдалана олувчи мобил телефон ёрдамида интернетга уланиш имконини беради. Яъни тармоқ кабел линияларидан фойдаланмасдан телефония, Интернетга кириш ва маълумот узатиш хизматларини тақдим этади.

WiMAX Интернетга киришдан ташқари, юқори сифатли товушли ва видеоалоқа учун қўлланилади. Техник тавсифларга келсак, WiMAX амал қиладиган масофа — 50 километргача, маълумот узатишнинг битта базавий станция секторига энг катта тезлиги эса секундига 70 мегабитгача етади.

WiMAXнинг яна бир ўзига хос хусусияти — хавфсизлик. Яъни ушбу тизимда маълумотларни DES 3 алгоритми бўйича уч қайта шифрлаш кўзда тутилган. WiMAX қурилмалари ноёб сертификатларга эга. Шу қурилма тури учун алоҳида, уни ишлаб чиқарувчи учун алоҳида сертификатлар берилган. Шу тариқа, маълумотлар оқимлари самарали ва ишончли ҳимоя қилинишига эришилади. Шу боис, WiMAX асосида ҳатто виртуал приват тармоқлар (VPN) яратилмоқда. Улар олисдаги фойдаланувчилар билан ҳам, компания ичида ҳам маълумот алмашиш учун ҳимояланган туннеллар шакллантириш имконини беради.

Қуйидагилар WiMAX технологиясининг асосий афзалликларига киради: радиоканал бўйича алоҳида ажратилган кириш линияси; маълумотларни узатиш тезлиги катталиги; мазкур хизматдан фойдаланиш борасидаги географик имкониятлар катта экани; уланиш муддатлари қисқалиги; линия юксак сифат билан ишлаши ва у яхши ҳимояланганлиги; об-ҳаво шароити таъсир қилмаслиги.



Кўпчилик ҳолларда бу технологиялар рақиб эмас, дўст технологиялар сифатида қабул қилинади, сабаби, улар кўпинча бирга ишлатилади. Wi-Fi ҳам WiMAX каби симсиз алоқа воситасидир, фақат ундан фарқли равишда анча камроқ масофага маълумот жўнатишга мўлжалланган. Айрим ҳолларда Wi-Fi хотспоти (узатгичи) билан компьютер орасидаги масофа 10-20 м.ни ташкил қилиши мумкин.

WiMAX эса узоқ масофаларга маълумот узатиш имконини берадиган технология ҳисобланиб, бир неча км.гача қамровни ўз ичига олади.

Хозирги кунда UzNET, EVO компанияси, Buzton ҚК ва бошқалар WiMAX хизматларини тақдим этмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ Тошкент, Самарқанд, Андижон ва Фарғона аҳолиси ахборот алмашишнинг ушбу туридан фойдалана олади. Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб WiMAX технологиясининг «иккинчи тўлқини» жорий этилди ва у ўзининг кириб бориш қобилияти янада каттароқлиги билан ажралиб туради. У ўта катта тезликда маълумот узатиш сервисларидан фойдаланиш имконини беради. Бундай хизматдан ҳаракатланиш чоғида ҳам фойдаланиш мумкин. Ҳатто соатига 130 километр тезликда ҳаракатланаётганда ҳам тармоққа секундига 8 мегабитгача тезликда кира олиш таъминланади.

Wi-Fi (Wireless Fidelity) технологияси рақамли маълумотларни радиоканаллар орқали жўнатиш форматларидан бири ҳисобланади. Яъни, бу сизга ноутбук, шахсий компьютер ёки смартфонни оммавий дам олиш жойлари, аэропортлар, меҳмонхоналарда жойлашган кириш нуқталари орқали Интернет тармоғига улаш имконини берадиган технологиядир.

Wi-Fi стандарти 90-йилларнинг ўрталарида пайдо бўлган ва 2000 йилдан фаол ривожлана бошлаган. Маълумотларни радиоканаллар орқали жўнатишга мўлжалланган мазкур технология дастлаб АҚШдаги маҳаллий йирик корпорациялар ҳамда Силикон водийси компанияларида ишлаб чиқилган ва қўлланилган эди. Мобил абонент (одатда бу симсиз тармоқ адаптерига уланган ноутбук билан жиҳозланган компания ходими бўлиб) билан алоқа компаниянинг кабель инфратузилмасига уланган кириш нуқталари орқали амалга оширилган эди. Шу билан бирга ҳар бир кириш нуқтаси(бир неча метр)нинг радиуси таъсири доирасида бир вақтнинг ўзида 20тагача абонент бирваракайига тармоқ ресурслардан фойдаланиши мумкин эди. Дастлаб «Wi-Fi» ибораси фақатгина 2.4 ГГц диапазонида алоқа билан таъминловчи, ҳамда IEEE 802.11b стандарти бўйича ишлайдиган технологиялар учун қўлланилар эди. Лекин бугунги кунда мазкур термин бошқа симсиз алоқа восилаталари учун ҳам қўлланилмоқда.

Симсиз алоқа тармоғини ўрнатиш учун эса фақат офиснинг ўзида бир ёки бир нечта базавий станциянинг ўзи кифоя бўлиб, бунда фақатгина ҳар бир компьтерга тармоқли антеннага эга бўлган плато ўрнатилса кифоя. Шундан кейин ходимлар ва компьютерларни хохланингизча бир жойдан иккинчи жойга кўчириш мумкин бўлади ва бунда бир марта ўрнатилган тармоқ ҳеч ҳам шикастланмайди.

Симсиз тармоқларда радиочастоталардан фойдаланилади. Чунки бино ичида радиотўлқинлар деворлар ва пардеворлар орқали ўтади. Симсиз тизимларининг аксариятида қамров диапазони ёки доираси йўлда учрайдиган тўсиқлар сони ва турига қараб, 160 метрга боради. Одатда, симсиз тармоқлар кабелли тармоқларга нисбатан ишончлироқ бўлади. Унинг иш тезлигини кабелли тармоқ тезлиги билан таққослаш мумкин. Одатдаги тармоқда бўлгани каби, симсиз тармоқнинг ўтказиш қобилияти унинг топологияси, қанчалик юклангани, маълумот етиб бориши керак бўлган нуқтагача масофа қанчалиги ва шу кабиларга боғлиқдир. Фойдаланувчилар сони амалда чекланмаган. Шунчаки янги кириш нуқталарини ўрнатиш орқали улар сонини кўпайтириб бориш мумкин. Турли частоталар (каналлар)га созланган, устма-уст тушадиган кириш нуқталари ёрдамида симсиз тармоқни бир зонадаги фойдаланувчилар сонини кўпайтириш ҳисобига кенгайтириш мумкин.

Ўзбекистонда Wi-Fiни бир нечта операторлар тақдим этадилар. Шунингдек, оммавий жойларда бир қанча кириш нуқталари мавжуд бўлиб, улардан аксарият ҳолларда бепул фойдаланиш мумкин.

Викторина саволлари:

1. Интернетдаги 1-электрон магазин қачон ташкил топган ва қандай номланган?

2. B_2 B ҳамда B_2C орасида қандай фарқ мавжуд?

3. Ўзбекистонда электрон тижорат соҳасини тартибга солувчи қандай қонун ва қонуности ҳужжатлар қабул қилинган?

Жавобларни қуйидаги манзилга: *Тошкент, 100084, Амир Темур кўчаси, 108-уй, 5-қават, БМТ Тараққиёт дастурининг «АКТ сиёсати» лойиҳасига ёки taraqqiyot@ictp.uz электрон манзилига юборишингиз мумкин.*

Хатда «Ўзбекистон овози» — «Тараққиёт сари» викторинасига деб кўрсатишни унутманг.

АНОНС:

ICTP лойиҳаси билан ҳамкорликда тайёрланаётган АКТ соҳасидаги навбатдаги саҳифада «Электрон тижорат» мавзуси атрофлича ёритилади.

❖ Танлов

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ДАРСЛИГИ ВА ЎҚУВ АДАБИЁТИ МУАЛЛИФИ – 2008»

республика кўрик-танлови ғолиблари аниқланди

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида 1998 йилдан бери анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур танловда 1998-2007 йиллар мобайнида 1667 номдаги ўқув адабиётлари муаллифлари иштирок этган.

Бу йилги танловда 105 номдаги дарслик ва ўқув адабиётлари муаллифлари 9 номинация бўйича ғолиблик ва махсус совринларни қўлга киритдилар.

Тадбирни **Олий ва ўрта махсус таълим вазири Азимжон ПАРПИЕВ** кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

— Дарслик ва ўқув адабиётлари — узлуксиз таълим тизими сифатини белгиловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бугун худди шу йўналишда кўплаб илм-фан фидойилари меҳнат қилишмоқда. Дарслик ёзишда, шубҳасиз, билим, салоҳият ва тажриба муҳим аҳамиятга эга. Очиғи, бу иш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Маълумки, бугун бутун дунё, шу жумладан, юртимиз таълим тизимида жуда катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу жараёнлар эса дарслик ва ўқув қўлланмаларига сифат, маъно-мазмун жиҳатдан ўзгартиришлар киритишни талаб этмоқда. Демак, биз дарслик ва ўқув қўлланмаларининг замонавий моделларини яратишимиз керак. Бу ғоятда масъулиятли, машаққатли ва ўз навбатида, ўта шарафли вазифани уддалаш профессор-ўқитувчилар, бутун ҳаётини илм-фанга бағишлаган олимларимиз зиммасига юклатилган.

Шариф МЎМИНОВ, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологиялари институти профессори:

— Маълумки, бугун ахборот технологиялари жаҳонда шиддат билан ривожланиб бормоқда. Ўз-ўзидан худди шу соҳани мукаммал биладиган кадрларга бўлган эҳтиёж ҳам тобора ортиб бормоқда. Бу соҳада фаолият кўрсатаётган кадрлар информатика фанини, компьютерда дастурлашни яхши билишлари зарур. Бунинг учун эса энг аввало, мукаммал дарсликлар керак. Менинг «Иқтисодий математик моделлар ва усуллар» деб номланган китобимдан бугун институтимизнинг бизнес бошқаруви факультети талабалари ўқув қўлланма сифатида фойданишмоқда. Ушбу танловда мазкур китобим билан иштирок этиб, биринчи ўринга сазовор бўлдим.

Насиба МИРЗАЕВА, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти:

— Президентимиз ташаббуси билан ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига мана 19 йил тўлди. Бу давр мобайнида тилимизга бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Шуни фахр билан айтиш керакки, АҚШ, Жанубий Корея, Германия каби давлатлардаги университетларнинг талаба-ёшлари бизнинг она тилимизни ўқиб-ўрганишмоқда. Шунингдек, олимларимиз томонидан тилимизнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган ўқув қўлланмалари яратилмоқда. Мен ҳам мана шу хайрли ишга ўз ҳиссамни қўшиш мақсадида «Ўзбек тилини ўрганамиз» электрон ўқув қўлланмасини яратган эдим. Бу ишим танловда юқори баҳоланиб, иккинчи ўринга лойиқ кўрилди. Энг муҳими, бундан юртимиз ёшлари қатори, чет эллик талабалар ҳам кенг фойдаланишлари мумкин. Чунки у ўзбек ва инглиз тилларида тайёрланган.

Раъно САЙФУЛЛАЕВА, Ўзбекистон Миллий университети профессори:

— Мактаб ўқувчилари учун дарслик яратиш замирида, энг аввало, фарзандларимиз қалбида она тилимизга эҳтиром, муҳаббат ва садоқат, қолаверса, миллий ғурур, ватан туйғуси, маънавий тарбия каби юксак қадриятларимизни жойлашдек ғоят муҳим вазифа ётади. Ҳамид Неъматов, Муҳаммаджон Қодиров, Муҳаббат Абдураимова билан ҳаммуаллифликда умумтаълим мактабларининг 8-синф ўқувчилари учун «Она тили» дарслигини ёзгандик. Китобимиз бу танловда учинчи ўринга лойиқ кўрилди. Бу бизнинг камтарона меҳнатимизга берилган юксак баҳо деб ҳисоблайман. Келажакда ўқувчиларимизнинг мукаммал билим олишларига ёрдам берадиган ўқув адабиётларини кўпроқ яратишга ҳаракат қиламиз.

Маъмуржон МАҲМУД, «Ўзбекистон овози» мухбири.
Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган суратлар.

Спорт

ЖАМҒАРМА СОВРИНИ УЧУН

Уч йилдирки, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда «Машъал» радиоканали ҳамкорлигида жамғарма соврини учун спорт журналистлари ўртасида мини футбол турнири ўтказиб келинмоқда. Бу йилги мусобақа пойтахтимиздаги «Чилонзор» болалар спорт мажмуида ўтказилди.

Мазкур турнирда телерадио каналларда ишлаётган журналистлар «Спорт», газета ва журналлар таҳририятлари ходимлари эса «Матбуотчи» номи остида тўп суришди. Шунингдек, «Машъал» радиоканалининг йил давомида уюштирган викторина ва танловларида фаол қатнашиб келаётган спорт мухлисларидан ташкил топган икки жамоа ҳам ғолиблик учун кураш олиб борди. Анъанавий турнир якунида барча қатнашчилар ташкилотчи ва ҳомийлар томонидан таъсис этилган эсдалик совғалари билан тақдирланди.

КУЧЛИЛАР БЕЛЛАШДИ

Бухорода кураш бўйича навбатдаги Ўзбекистон кубоги баҳслари бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидан тўрт юз нафардан зиёд курашчи гиламга чиқди.

Умумжамоа ҳисобида мамлакат кубоги пойтахтлик полвонларга насиб этди.

БУТУНЖАҲОН УНИВЕРСИАДАСИ ОЛДИДАН

Наманган шаҳрида волейбол бўйича мамлакатимиз олий ўқув юртлари ҳамда касб-ҳунар коллежлари талаба-ўқувчилари ўртасида навбатдаги Ўзбекистон биринчилиги ўтказилди. Унда Андижон давлат университети, Наманган муҳандислик-педагогика институти, Қўқон ва Навоий давлат педагогика институтлари ҳамда Тошкент молия институти жамоалари ўзаро куч синашган бўлса, коллеж ўқувчилари баҳсида Наманган олимпия захиралари, Қарши олимпия захиралари, Қўқон автомобиль йўллари касб-ҳунар ҳамда Андижон олимпия захиралари коллежлари жамоалари майдонга чиқдилар.

— Келгуси йилнинг августида Белград (Сербия)да XXV Бутунжаҳон универсиадаси бўлиб ўтади, — дейди мусобақа бош ҳаками Мухтор Шоалимов. — Мазкур нуфузли мусобақада мамлакатимиз волейболчилари ҳам қатнашади. Ушбу биринчилик бутунжаҳон универсиадасида қатнашадиган терма жамоа аъзоларини саралаб бериши билан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, баҳслар кутилганидан-да муросасиз ва шиддатли кечди. Унда барча рақибларини катта устунлик билан енгган Қўқон давлат педагогика институти талабалари ғолибликни қўлга киритди. Тошкент молия институти ҳамда мезбонлар кейинги фахрли ўринларни эгаллашди.

Мутахассиснинг фикрича, Бутунжаҳон универсиадасида қатнашадиган Ўзбекистон терма жамоаси Қўқон давлат педагогика институти волейболчилари таркиби асосида шакллантирилади. Бунгача қўқонликлар талабалар ўртасида ўтказилган бу йилги мамлакат кубоги баҳсларида ҳам бош совринга сазовор бўлишганди.

Коллежлар жамоалари ўртасида эса андижонликлар шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, қўқонликлар иккинчи, наманганликлар эса учинчи ўринни эгаллади.

Эркин ХОЛБОБО

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1149
7800 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 22.30
Topshirilgan vaqti — 23.55
1 2 3 4 5 6 7
Sotuvda erkin narxda

❖ Инсон хотираси — азиз

Юртимизда сўлим манзиллар, дам олиш уйлари кўп. Бироқ, кўпчилик Паркент туманидаги Сўқоқ қишлоғини ҳаяжон билан эслайди. Чунки шу гўшада туғилиб, ўттиз йилдан ортиқ «Сўқоқ» дам олиш уйига раҳбарлик қилган Ориф Одилхонов ҳар доим уларни очиқ чеҳра билан кутиб олган, дилкаш суҳбатлар қурган. У киши ўзлари шоир бўлгани учун мазкур қишлоққа келган ижодкорлар истиқболига қучоқ очиб чиқарди.

ТОҒЛАРНИ КУЙЛАГАН ШОИР

Унинг саъй-ҳаракатлари билан дам олиш уйи обод бўлди, турли соҳа вакиллари қизғин давра қурадиган қадрдон масканга айланди. Жуда кўплаб санъат асарлари ғояси шу жойда туғилган, яратилган, десак, сира муболаға эмас. Баъзан ижодкорлар баҳсларининг ҳовури тушса, Ориф аканинг ўзлари шеърларидан ўқиб даврага файз бағишларди.

Тош қотган тоғларни куйлаб уйғотдим,
Кўз ёшдай отилиб чикди минг булоқ.

Кейин ўқиган шеърларининг мисралари «Мен сени ахтариб ўзимни топдим», «Ширин сўзларингдек ширинлик йўқ асалда», «Бирор душманим йўқ курашай десам»... даврадошлари томонидан ёддан такрорланарди.

Айниқса, дилтортар суҳбатларда шоирнинг битта байти кўп ўқиларди.

Кўзларинг куйдиргудек боққанда жоним қасдиға,
Кипригингнинг соясида бир нафас жон сақладим.

Шундай дилбар мисраларни ёзган шоир бир умр ўзи туғилиб ўсган қишлоқда яшаб ижод қилди. Дунёнинг қайси мамлакатига бормасин, «Юрагим юртимда, мен ўсган пурвиқор тоғлар бағрида», дея Сўқоқ томон талпинди. Яна қўлига қалам олди, элимизга бир-биридан гўзал китоблар тақдим қилди. Унинг қаламига мансуб шеърлар эса бетакрор қўшиқларга айланди.

Ориф Одилхоновнинг камтарона меҳнати, ўзига хос ижоди муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони, «Дўстлик» ва «Эл-юрт ҳурмати» орденлари билан мукофотланди.

Яхшилик, яхши одамлар ўлмайди. Яқинда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида Ориф Одилхоновнинг «Сайланма»си чоп этилди. Паркентда шоирнинг 70 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказилди. Тадбирда шоирнинг фазилатлари эсга олинди, дилбар шеър-қўшиқлари янгради.

Асрор МЎМИН

❖ Қадрият — ўзликни англаш

БУХОРО КЎҲНА ДАРВОЗАЛАРИ

— Бухоро қалъаси деворлари тўққизинчи аср ўрталарида қурилган, — дейди тарихчи олим Садриддин Бадриддинов. — Дастлаб унда еттита дарвоза бўлган. Улар кечқурин соат саккизда ёпилиб, эрталаб бомдод намозидан кейин очилган.

Тарихий манбаларда ёзилишича, XIII асрнинг биринчи ярмида бўлган урушда дарвоза ва деворлар вайрон этилган. Кейинчалик эса қалъа деворлари қайта барпо этилиб, дарвозалар сони ошди. Орадан маълум бир вақт ўтиб шаҳар чегараси кенгайгани боис дарвозалар яна биттага кўпайиб, Толипоч дарвозаси барпо қилинди. Бухоронинг ўн икки дарвозаси ҳам XIX асргача яхши сақланди. Афсуски, мустабид тузум йиллари тўс-тўполонидан фақат биттасигина, яъни Толипоч дарвозаси бизгача етиб келди. Ва Бухорода Марказий бозор барпо этилиши билан яна асл ҳолига келтирилди.

Яқинда яна бир савобли ишга қўл урилди. XV асрда қурилган Шайх Жалол номи билан аталадиган дарвозани қайта тиклашга киришилди. Бу дарвоза халқимизнинг улуғ байрами — Наврўзга муносиб совға сифатида бўй кўрсатади.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: *«Самарқанд дарвозаси»нинг олдинги ҳолати.*

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ «ШИФОКОР» БОЛАЛАР СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Андижон вилояти, Булоқбоши туманидаги «Шифокор» болалар соғломлаштириш оромгоҳида болалар ётоқхоналарини том қисмини капитал таъмирлаш.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши «Шифокор» болалар соғломлаштириш оромгоҳи.

Соғломлаштириш оромгоҳида болалар ётоқхоналарини том қисмини капитал таъмирлаш.

Таъмирлаш ишларини молиялаштириш: Буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:

Андижон ш. Б.Ҳакимов кўчаси, 14-а уй, тел/факс: (8-374) 224-72-79.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати оферталар очилиш куни ва соати. Танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан 30 кундан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Огоҳлик

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида божхона ходимлари томонидан қиймати қарийб 160 миллион 450 минг сўмлик салкам 6 миллион дона пиротехника воситаларининг юртимиз ҳудудига ноқонуний равишда олиб кирилишининг олди олинди

ХАВФЛИ «ЎЙИНЧОҚ»ЛАР

Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ мамлакатимиз ҳудудига пиротехника маҳсулотларини тегишли сертификатсиз олиб кириш тақиқланган. Бундай маҳсулот ички бозорда сотилишининг олдини олиш учун божхоначилар, ички ишлар органлари, чегара қўшинлари ва солиқ хизмати ходимлари ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда.

Қўшни давлатлар билан чегарадош ҳудудлардаги айланма йўллар алоҳида назорат қилинмоқда. Автомагистрал йўлларда эса шубҳали автоуловлар текширувдан ўтказилаяпти. Қонунбузарликнинг олдини олиш юзасидан жойларда маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари билан бирга тушунтириш ва тарғибот ишлари йўлга қўйилган.

Аммо шунга қарамай, айрим «тадбиркор»лар янги йил байрами арафасида пиротехника маҳсулотларини ичкарига олиб киришга уринмоқда.

Хоразм вилояти божхоначилари «Матиз» русумли автомашинани тўхтатиб, назоратдан ўтказишганда, фуқаро Д.Ибрагимовга тегишли, қиймати қарийб 4 миллион сўмлик Хитойда ишлаб чиқарилган пиротехника воситалари ҳеч қандай ҳужжатларсиз олиб келинаётганлиги аниқланди.

Сирдарё вилоят божхона бошқармасининг «Сардоба» ҳаракатдаги пости ходимлари ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда «Мерседес Бенц» русумли автобусни тўхтатиб текширишди. Йўловчи Б.Нарзуллаевга тегишли, нархи қарийб 400 минг сўмлик 26 минг 640 дона «Трения» пиротехника воситалари далилий ашё сифатида олинди.

Бухоролик М.Якубовдан қиймати қарийб 2 миллион сўмлик, салкам 40 минг дона «Юпитер» пиротехника воситалари вилоят божхоначилари томонидан олинди.

Тошкент вилояти «Яллама» божхона пости ходимлари чегара ҳудудида ўтказилган тадбирда қиймати салкам 3,5 миллион сўмлик пиротехника воситаси контрабандасига чек қўйишди.

Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати

Газетанинг 16 декабрь, сешанба сонида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахборотида 1 АҚШ доллари 1383,70 деб ўқилсин.

Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар 10-ўрта мактаб томонидан 1997 йил 17 июнда Т.Д.Ахмедов номига берилган O"R-B №013283 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аппарати жамоаси Марказий Кенгаш ходими Гавҳар Рамановага акаси **Искандар РАМАНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.